

Шашмақом Ватани—Бухорои шариф мумтоз қўшиқчиликнинг хос мусиқа мактабига эгаллиги билан ҳам доврўф қозонган. Тан олинган истеъдоди, ижрочиликдаги маҳорати тўфайли халқ ҳофизи даражасига етган улкан

фидойиларидан бири ҳақида юқоридаги фикрлар эътироф этилди. Домла Ҳалим Ибодов ижодига бағишланган тадбирда Бухоро санъат ҳамда маданият коллежлари, бир қатор мусиқа ва санъат мактаблари

ҲОФИЗ ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ

овоз соҳиби Домла Ҳалим Ибодов ҳам ана шу санъат мактабининг дарғаларидан бири эди. Улкан овоз соҳибининг бой мадания мероси, кўнгил хазинасини безаган дилбар қўшиқлари алақачон халқимизнинг маданият мулкига айланган. Домла Ҳалим Ибодов шашмақом шўьбаларидаги айрим қисмлар, хусусан “Савт” ҳамда “Муғулча”ларни ўта усталик билан, ўзига хос, такрорланмас услубда ижро этганлиги учун ҳам мусиқа билимдонлари, мутахассис ва шинаванда мухлислари орасида тенги йўқ “Савтхон ҳофиз” сифатида танилган ва “Домла Ҳалим Савтхон” номини олган.

Яқинда Абу Али ибн Сино номли вилоят ахборот-кутубхона марказида “Халқнинг сеvimли ҳофизи” деб номланган бадий-муסיқий кечада шашмақом

ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашдилар. Сўзга чиққанлар ҳофиз ҳаёти ва ижод йўли, унинг мусиқа санъати, шашмақом ривожига қўшган ҳиссаси, бой мероси хусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Айниқса, Домла Ҳалим Ибодов суполасининг давомчиси, аберасти Дилбар Салимованинг хотиралари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кеча сўнгида эса ёш мусиқачиларнинг мумтоз қўшиқчилик намуналари тингланди. Шунингдек, ахборот секторида “Халқ ҳофизи” деб номланган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Инобат ҲАМРОЕВА,
Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази сектор мудири.